

# Qishloq hayoti

2013 йил

Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-ЙИЛ 29-ЯНВАР, СЕШАНБА, 12 (8093)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган  
Bahosi kelishilgan narxda.



**“Косон дон маҳсулотлари қабул қилиш” масъулияти чекланган жамиятида ёрдамчи тармоқларни ривожлантириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, Косон, Муборак, Ғузур туманларидаги деҳқон бозорларидаги махсус дўконларда аҳолига арзон нархларда чорвачилик маҳсулотларини сотиш йўлга қўйилган.**



**“Ўзбекистон қушлари” фотоальбомидagi суратлар Ўзбекистон қушларни ҳимоя қилиш жамияти аъзолари томонидан тўпланган бўлиб, улар орнитолог-олимлар, ўқитувчи ва талабалар томонидан тасвирга туширилган. Суратлар уч асосий ландшафт – текислик ва чўллар, сув ҳавзалари ҳамда тоғлар асосида жамланган. Тўртинчи бўлимдаги суратларда инсоннинг қушларга бўлган муносабати акс эттирилган.**



**22 ёшли шахматчимиз Нафиса Мўминова ўзбек қизлари ўртасида биринчи бўлиб халқаро гротсмейстер унвонига сазовор бўлди. — Ушбу юксак унвон биз, ёшларнинг камолоти йўлида барча шароитларни яратиб бераётган Президентимиз кўрсатаётган юксак ғамхўрликнинг амалдаги самараларидандир, — дейди Нафиса. — Биз, ўзбек ёшлари ҳар қандай соҳада энг юқори чўққиларни зобт этишга қодирмиз. Бунинг учун имконият, шароит ва катта иштиёқ бор.**

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## Куннинг муҳим воқеалари

► Андижон қишлоқ хўжалиги институтида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ҳамда Ипакчилик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда пиллачиликни ривожлантириш масалаларига бағишланган ўқув семинари ташкил этилди. Унда ипак курти парваришlash агротехникаси, пилла тайёрлаш ва унга дастлабки ишлов бериш технологияси, шунингдек, тутчиликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

► Қашқадарё вилояти Қарши туманида асаларчиликни ривожлантириш масалаларига бағишланган йилги йўл йўналиш бўлиб ўтди. Унда вилоятда асаларчиликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар тўғрисида шифобахш неъматни етиштириш кўламини ошириш бўлиб ўтди. Шу билан бирга, тармоқдаги ҳали ишга солинмаган имкониятлар ва ечимини кутаётган масалалар хусусида ҳам сўз юритилди.

► Навоий шаҳар ҳокимлигида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, баъзи тўсиқ ва камчиликларни бартараф этишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда тадбиркорларга яратилган солиқ имтиёзлари ва ҳисоботларини юритиш қўлайликлари батафсил тushунтириб ўтилди.



## ҚИШ ДАСТУРХОНИДА ЁЗ НЕЪМАТЛАРИ

**«Тахياتош иссиқлик электр станцияси» очик акциядорлик жамияти қошида 2011 йилда замонавий лойиҳа асосида иссиқхона хўжалиги ишга туширилган. Жанубий Кореянинг «BOKYUNG GREENHOUSES LTD» компанияси билан тузилган шартнома асосида фойдаланишга топширилган иссиқхона 2 гектар ер майдонига эга. Бу ерда экинларни озиклантириш ва сугориш компьютерлар ёрдамида амалга оширилади.**

— Ўтган йилнинг август ойида 1,5 гектар майдонга бодринг, 0,5 гектар майдонга помидор экилди, — дейди иссиқхона хўжалиги раҳбари Жақсийов Атамуратов. — Экинлардан мўл ҳосил олиш мақсадида агротехник тадбирлар ўз вақтида самарали ўтказилди. Яъни минерал ўғитлар билан озиклантириш томчилибти сугориш усулида олиб борилди. Шунинг натижасида октябрь, ноябрь ва декабрь ойларида 80 тоннадан зиёд бодринг йилги олдик. Ноябрь ойининг охирига келиб, помидордан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Бугунги кунга 10 тоннага яқин помидор йилги олинди. Иссиқхонада етиштирилган маҳсулотлар Нукус ва Тахياتош шаҳарлари, Хўжайли тумани деҳқон бозорларида аҳолига

сотишмоқда. Жамоа аъзолари пишиб етилган маҳсулот терими билан бир қаторда ҳосилдан бўшаган майдонларда экишга тайёрлаш ишларини ҳам олиб бормоқда. Жорий йилнинг баҳор ойларида иссиқхонада бодринг ва лимон экиш режалаштирилмоқда.

«Тахياتош иссиқлик электр станцияси» очик акциядорлик жамиятида ишчиларни арзон нархдаги озик-овқат ва тўш маҳсулотлари билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш борасида яна бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, акциядорлик жамияти қошида ўтган йили балиқчилик хўжалиги ташкил этилди. Хўжайли тумани ҳокимининг қарори билан балиқчилик хўжалигига 6,5 гектар ер майдони ажратилиб, бош пудратчи



«Тахياتош гидроэнергоқурилиш» ташқари, чорвачилик комплекси ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи ёрдамчи хўжалик ҳам ташкил этилди. Шунинг натижасида 20 та янги иш ўрни яратилди. **Давуд АБИБУЛЛАЕВ, «Qishloq hayoti» мухбири.**

## ЮКСАЛИШ ОДИМАЛРИ

Навоий Вилояти

### ИМПОРТДАН ЭКСПОРТГА

**Вилоятда йирик саноат корхоналарига четдан импорт қилинаётган эҳтиёт қисмлар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш жадал ривожланмоқда.**

Ўтган йили биргина Навоий шаҳрида етти корхонада 48 та лойиҳа бўйича маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Уларда импорт ўрини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш ҳажмини кенгайтириш ҳисобига 140 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ тежаб қолиниши билан бирга 335 минг АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот экспорт қилинишига эришилди.

«Гидростанкосервис» ишлаб чиқариш тижорат корхонасида кейинги йилларда кон-металлургия тизимида ишлатиладиган дастгоҳ ва қурilmалар, жумладан, ер ости бурғилаш қурilmалари, турли хил эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Илгарилари ушбу қурilmалар тўлиқ четдан келтирилди. Айти пайтда эса вилоятдаги йирик саноат корхоналари томонидан импорт ўрини босувчи 300 турдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳалари устида иш олиб бориляпти.

Наманган Вилояти

### ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги «2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан вилоятда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

Жумладан, истиқболли лойиҳалар бўйича кенг қамровли қурилиш-монтаж, техник ва технологик жиҳозлаш ишлари бажарилганлиги, жойларда замон талабларига мос ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолият кўрсатаётганлиги ўзининг ижобий самараларини бераётди. Наманган шаҳрида ўз фаолиятини бошлаган «Намметаллстандарт» масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай саноат корхоналаридан бири. Мазкур корхонага истиқболли лойиҳа бўйича 700 миллион сўмлик инвестиция йўналтирилиб, тўғри чокли электр пайвандли қувурлар тайёрлаш технологияси ўрнатилди. Натижада корхонада йилгига 15 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Масаланинг муҳим жиҳати замонавий ускуна ва дастгоҳларни 15 нафар ёш мутахассис бошқариб, улар томонидан ички бозорга 3 миллиард сўмликка яқин металл қувурлар етказиб берилди.

Вилоят бўйича биргина ўтган йилнинг ўзида 1289 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланиб, бу борадаги кўрсаткич аввалги йилга нисбатан 14,9 фоизга ўсишга эришилди.

Сурхондарё Вилояти

### ЁШ ФЕРМЕРЛАР ҲУВИ

**Термиз шаҳрида ёш фермерлар учун ўқув-семинар ташкил этилди.**

Вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши ва бошқа ҳамкор ташкилотлар иштирокида ўтказилган тадбирда асосий эътибор қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш масалаларига қаратилди. Унда барча туманлардан ўз ҳамкасблари орасида ташаббускорлиги, интилувчанлиги ва фаоллиги билан ажралиб турадиган ёш фермерлар иштирок этди.

— Фермер хўжалигимизга қарашли 79 гектар ер майдонида пахта, галла етиштиришдан ташқари, чорвачилик, асаларчилик ҳам йўлга қўйилган, — дейди Денов туманидаги «Маъруф» фермер хўжалиги бошлиги Маъруф Жўраев. — Ушбу семинардан давлатимиз томонидан биз ёш фермерларга яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида керакли тushунчаларни олди. Ўйлаيمانки, бугун мен каби кўплаб ёш фермерларнинг кейинги фаолиятида ушбу тадбир катта роль ўйнайди.

Семинарда мутахассислар томонидан фермерларга бир қатор амалий тақлиф ва тавсиялар берилди.

Чори ЖУМАКУЛОВ

Жиззах Вилояти

## ДЎСТЛИГИМИЗ — МЕТИН ҚЎРҒОНИМИЗ

**БИЗ ҚОЗОҚ, ТУРКМАН, ҚИРҒИЗ ВА ТОЖИК ХАЛҚИ БИЛАН МИНГ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА АҲИЛ БЎЛИБ ЯШАГАНМИЗ ВА ҲЕЧ КИМ БИЗНИ БИР-БИРИМИЗДАН АЖРАТА ОЛМАЙДИ**

Ўтган йили йўлимиз тушиб, Қозоғистоннинг Мақтаарал туманидаги тўйлардан бирига бориб қолдик. Унда маҳаллий чавандозлар қатори ўзбекистонлик, қорақалпоғистонлик ва қирғизистонлик кўпlab улукчи-полвонлар ҳам қатнашаётганди. **Улукчи-чавандозлар удумига кўра, кўпқари тугагач, сўнги совринни олган чавандоз мусобақанинг нуфузли полвонлари ва меҳмонларни бир пиёла чойга тақлиф этди. Бешбармоқ дастурхона келтирилди.**

«Олинг-олинг» орасида ўзбек меҳмонлардан бири хона бурчагида қизил эгарни кўриб қолиб, беихтиёр «Ий-е, ий-е!», деб юборди ва барчага эшиттириб, «Манови эгарни танидим-эй!» деди. — Бул егер ўн еки жилдан бери қарай меники, — деди хонадон соҳиби. — Билесинба муни маган ким жасап берген? Ҳўв, Бахмал деген жердеги Нормамат Кенжаев деген егерчи жасап берген. Мунинг меккемдигини қара-ши, ат-ку, ат-а, трактормен тортсанг-да, қилт этпейди...

— Ҳа, Урта Осиё халқлари чиндан ҳам шундай аралаш яшашади. Минтақанинг қаерига борманг, ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, қорақалпоқ ва туркман миллатига мандан кишиланинч бир оиладек яшаётганига гувоҳ бўламиз. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, улар турли тилларда сўзловчи бир халқдир. — Уй, Серик, булл егерингди менде танидим, — дея мезбоннинг гапини бўлди Қирғизистон Республикасидан келган улукчи. — Егерлеримизнинг заводи бир экан. Мен ҳам Зоминда яшовчи бир қариндошим орқали ўши сен айткен Нормамат егершидан олдиранман. — Аслида эгарни танидим деган жаззахлик Зокир полвон ҳам чопқир оти эгарини худди ўша Нормамат эгарича ясаиб олган ва шу боис, Серикнинг эгари таниш кўришиб турган эди. Эгардан чиқ-

— Миллатлараро меҳр-оқибат, ўзаро дўстлик ва ҳурмат муносабатларининг тобора мустаҳкамланиб, кучайиб бораётганида, қадимий урф-одат ва қадриятларнинг тикланиши ҳамда тақомиллашувида, турмушимизга янги ва яхши анъаналар кириб келаётганида вилоятимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказларининг аҳамияти катта бўлаётди, — дейди вилоят маънавият ва маърифат марказининг раҳбари, профессор Урол Носиров. — Бунинг биринчи кирғиз миллий маданияти маркази томонидан ташкил этилган «Эне тилим» тўғраги ва «Жангра, комуз!» фольклор дастаси жамоаларининг қирғиз халқининг тарихи, миллий қадрият ва анъаналари, маданият ва санъатини ўрганиш ҳамда тарғиб этиш билан бирга ички халқ ўртасидаги қадимий ва боқий дўстликни мустаҳкамлашга доир ишлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Марказ ташаббуси билан кўпгина мактаб ва коллежларда ўзбек ва қирғиз халқлари дostonчилигига бағишланган тадбирлар ўтказилиб, «Манас» эпосининг яратилиши ҳамда унда халқ қаҳрамонлиқларининг акс эттирилиши мавзусида билимдонлик кўрик-танловлари ташкил этилди. Ўтган йили давомда оқин, Дўстлик туманида яшовчи қирғиз миллатига мансуб Эгамберген Абдиев бир неча меҳнат жамоаларида, галла ўрим-йигими, пахта йигим-терими мавсумларининг илгорлари ҳузуринда чиқишлар қилди. Туман ва вилоятнинг Наврўз байрамларида кўмиш оҳангларини баланд жаранглаб, дўстлик, ватанпарварлик, инсонийлик, қаҳрамонлик каби олижаноб туйғулар ҳақида жўшиб куйлади. Вилоятдаги яна бир миллий маданият маркази фаолиятига назар ташлайлик. Бу, қозоқ миллий маданияти марказидир. **(Давоми 2-саҳифада)**

# ДЎСТЛИГИМИЗ — МЕТИН ҚЎРҒОНИМИЗ

## БИЗ ҚОЗОҚ, ТУРКМАН, ҚИРҒИЗ ВА ТОЖИК ХАЛҚИ БИЛАН МИНГ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА АХИЛ БЎЛИБ ЯШАГАНМИЗ ВА ҲЕЧ КИМ БИЗНИ БИР-БИРИМИЗДАН АЖРАТА ОЛМАЙДИ

(Боши 1-саҳифада)

Марказ ташаббуси ва ташкилотчилиги билан мана, қарийб ўн йилдики, ҳар йили юртимизнинг Мустақиллик ва Наврўз байрамлари муносабати билан анъанавий оқинлар кунлари ўтказилиб келинади. Ушбу айтишуларда Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Жиззах вилоятлари ҳамда Қозоғистон Республикасининг Мақтаарал, Чордара ва бошқа туманлари бахшиларининг иштирок этиши, айтишуларнинг ўзбек ва қозоқ тилларида бирдай ижро этилишидан улар алоҳида адабиёт ва санъат байрамига айланиб бормоқда.

Меҳнат фахрийси, Мирзачўл туманининг нуфузли оқсоқоли Жанат Алиев раҳбарлик қилаётган мазкур марказ қўшни Қозоғистон Республикаси меҳнат илгорлари, адабиёт ва санъат намояндалари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Уларни тез-тез вилоятга таклиф қилиб, бу ерда яшаётган қозоқлар ва бошқа миллат кишилари, мактаб ўқувчилари билан учрашувлар ташкил этади. Бунга хусусан, кейинги йилларда маънавият ва маърифат кенгаши Мирзачўл тумани бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган Абай, Собит Муқоново, Роза Багланова ва бошқалар ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишлаб ташкил этилган учра-

шувлар мисол бўла олади.

Мирзачўллик меҳмондўст адабиёт ва санъат ошфуқталари Мирзачўл ва Жиззах чўлларини ўзлаштириш фахрийларидан бири, ҳозирда Қозоғистондаги Сирдарё қишлоқ хўжалик институтининг проректори Бегим Сериковнинг бултур Мустақиллик байрами сўнггида улар билан хайрлаша туриб: “Ўзбеклардаги “Бор товоғим, кел товоғим!” деган нақл бизларда ҳам бор, шундай экан, ташрифларингизни кутамиз!” деган ҳазиломуз, лекин самимий таклифини қабул этдилар ва орадан бир неча кун ўтгач, туман ҳокими Мирзасултон Бобобеков ва марказ раҳбари Жанат Алиевлар бошчилигида туманининг Тостон Нурмонов, Айнагул Умбетова, Гўлсара Торежанова ва Қарлиғаш Қожабоева каби меҳнат илгорлари Мақтааралга ташриф буюришди.

— Биз қозоғистонликларга юртимизда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотлар ҳақида, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг халқаро андозаларини муваффақиятли қўллаётганимиз хусусида гапириб бердик, — дейди марказ раҳбарининг ўринбосари Тостон Нурмонов. — Туманимизда яшаб меҳнат қилаётган қозоқ миллатига мансуб аҳоли орасидан 5 киши давлатимизнинг

орден ва медаллари билан мукофотланганини, тумандаги бир неча фермер хўжалигига қозоқ йиғитлари раҳбарлик қилиб, юқори натижаларга эришаётганини айтганимизда, улар бундан беҳад хурсанд бўлишди.

Бу каби меҳмоннавозлик удумлари туфайли икки эл ёшлари ўртасидаги дўстона алоқалар ҳам кучаймоқда. Айниқсан, уларнинг маданият ва спорт соҳасидаги ҳамкорликлари таҳсинга лойиқ. Масалан, 2011-2012 йилларда Мирзачўл туманида уч марта, Қозоғистоннинг Жетисой, Чордара ва Мақтаарал туманларида бир мартадан спортнинг юнон-рум, миллий кураш ҳамда каратэ турлари бўйича халқаро мусобақалар ташкил этилди. Бунинг натижасида Мирзачўл тумани ёшларидан 5 нафари ушбу мусобақаларнинг чемпионлари бўлишди. Бу эса уларнинг уч нафарининг жаҳон чемпиони, тўрт нафарининг республика чемпиони мартабасини кўрсатди.

— Миллатлараро дўстлик, тотувлик ва ҳамжихатлик муносабатларини мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва тақомиллаштиришда миллий маданият марказлари билан бирга, вилоят жамоатчилик жамғармалари, шаҳар ва туман ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорликда иш олиб бораётир. Шу боис, Юртбошимиз зўр ифтихор ва юксак оҳанг билан айтган “Бизнинг энг катта бойлигимиз — халқаро дўстлиги” тобора юксалиб, мустаҳкамланиб, эндиликда ўқутмас, куч етмас метин қўрғонга айланди. Миллий истиқлол ғояси йўлларини янграб, дастурхонларга уларнинг байрам таомлари тортилгани шодибаналар шуқуҳини янада оширди, қалбларимизда фараҳли завқ-шавқ уйғотди.

Вилоятдаги тожик миллий маданияти маркази фаолиятлари хусусида ҳам шундай илқ фикрлар айтиш мумкин. Улар нафақат байрам ва бошқа муҳим саналар пайтида, балки, ҳамisha аниқ дастур асосида иш олиб боришади. Меҳнат жамоалари орасида, ўқувчи-талабалар ҳузурларида, қишлоқ ва овулларда “Ўзбекистон — умумий уйимиз”, “Тарих ва замон”, “Халқлар дўстлиги — юрт бойлиги”, “Икки дўст тураркан елкама-елка”, “Ягонасан, Ватан” ва бошқа мавзуларда тадбирлар, илмий-ижтимоий тадқиқотлар ўтказиб, ёшларни дўстлик, ҳамжихатлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшмоқдалар.

— Вилоятимизда ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик байрамлари халқларнинг чинакам шодибанасига айланади, — дейди тожик миллий маданияти маркази раҳбари Абдукарим Шарипов. — Масалан, ўтган йил Наврўз, Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги байрамларида ҳам шундай бўлди. Тантаналар чоғида тожик, қозоқ, қирғиз қўшқлари янграб, дастурхонларга уларнинг байрам таомлари тортилгани шодибаналар шуқуҳини янада оширди, қалбларимизда фараҳли завқ-шавқ уйғотди.

Марказимиз ва бошқа миллий маданият марказлари айни кунларда юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар мазмун-моҳияти ва эришилаётган қувончли натижалар, миллий истиқлол ғоясининг инсонпарварлик тамойиллари ҳақида кенг тарғиб-бот-ташвиқот ишлари олиб бориш билан бирга, миллий Наврўз байрамимизни муносабати нишонлашга, миллатлар миллий кўрғазмаларини намойиш қилишга тайёргарлик кўрмоқда.

Миллатлараро дўстлик, тотувлик ва ҳамжихатлик муносабатларини мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва тақомиллаштиришда миллий маданият марказлари билан бирга, вилоят жамоатчилик жамғармалари, шаҳар ва туман ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорликда иш олиб бораётир. Шу боис, Юртбошимиз зўр ифтихор ва юксак оҳанг билан айтган “Бизнинг энг катта бойлигимиз — халқаро дўстлиги” тобора юксалиб, мустаҳкамланиб, эндиликда ўқутмас, куч етмас метин қўрғонга айланди. Миллий истиқлол ғояси йўлларини янграб, дастурхонларга уларнинг байрам таомлари тортилгани шодибаналар шуқуҳини янада оширди, қалбларимизда фараҳли завқ-шавқ уйғотди.

**Келдиёр ЖўРАҚУЛОВ,**  
“Qishloq hayoti” мухбири.

Ўзбекистон экологик ҳаракатида Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

## УСТУВОР ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлар гуруҳи, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда Ўзбекистон экологик ҳаракати, Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлари гуруҳи, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан ўтган йил давомида амалга оширилган ишларга батафсил тўхталиб, мамлакатимизда “Обод турмуш йили” деб эълон қилинган 2013 йилдаги устувор вазифаларга эътибор қаратилди.

Ўтган йили атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги муҳофазаси бўйича қонунчилик ривожлантириш ва янада тақомиллаштиришга кўмаклашишга қаратилган 800 дан зиёд турли тадбирлар ташкил этилди. Ушбу йўналишдаги ишлар Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепциясида белгиланган берилган асосий тамойиллар асосида ташкил этилди.

Энг асосийси, Концепцияда алоҳида таъкидланган Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасини тайёрлашда ўтган 2012 йил муҳим босқич бўлди. Бу жараёнда қонун лойиҳаси жамоатчилик экспертизасидан ўтказилди ва бунинг учун мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олган 100 дан ортиқ конференция, давра суҳбатлари, семинар ва учрашувлар, шу жумладан, иккита халқаро анжуман ташкил этилди ва уларда 20 мингдан зиёд фуқаролар иштирок этдилар ҳамда қонун лойиҳасини тақомиллаштиришга қаратилган 200 га яқин аниқ таклифлар билдирилди. Уларнинг 90 таси қонун лойиҳасини тақомиллаштириш чоғида ҳисобга олинди.

Шунингдек, Қонунчилик палатасидаги “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг “Қайта тикланувчи энергия тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси тайёрланди. Экоҳаракат депутатлари гуруҳи Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш ва қайта тиклаш тўғрисида”ги янги Қонун лойиҳасини тайёрлашда ташаббускор бўлдилар.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг “Маммурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодексига, “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши муносабати билан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик актларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунларнинг лойиҳалари тайёрланди.

Атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида хорижий ва халқаро ташкилотлар билан муҳим учрашувлар ташкил этилди. Сингапур, Бельгия, Италия, Испания ва Люксембургдаги ҳамкорлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди.

Матбуот анжумани иштирокчилари муҳокама этилган масалалар бўйича қизгин мунозаралар ўтказиб, берилган саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Аҳмаджон РИХСИБОВ,**  
“Qishloq hayoti” мухбири.

### ТАҚДИМОТ

Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳамда Ўзбекистон қушларни ҳимоя қилиш жамияти ҳамкорлигида “Ўзбекистон қушлари” фотоальбомининг тақдимоти бўлиб ўтди.

### ЎЗБЕКИСТОН ҚУШЛАРИ



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзолари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, Экоҳаракат фаоллари, мутахассислар, экспертлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Фотоальбомдаги суратлар Ўзбекистон қушларни ҳимоя қилиш жамияти аъзолари томонидан тўпланган бўлиб, улар орнитолог-олимлар, ўқитувчи ва талабалар томонидан тасвирга туширилган. Суратлар уч асосий ландшафт — текислик ва чўллалар, сув ҳавзалари ҳамда тоғлар асосида жамланган. Туртинчи бўлимдаги суратларда инсоннинг қушларга бўлган муносабати акс эттирилган.

— Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш ва уларнинг атроф-муҳит муҳофазасидаги иштирокини оширишда фотоальбомнинг аҳамияти катта, — дейди Ўзбекистон қушларни ҳимоя қилиш жамияти аъзоси Дилшод Тўраҳўжаев. — Альбомга мамлакатимизда яшовчи қушларнинг 28 фозини киритилган. Суратлар юксак бадиий маҳорат билан тасвирга олинган.

Альбомнинг кириш қисмида қушларни кузатиш мумкин бўлган йўналишлар бўйича қисқача маълумот бериб ўтилган. Ҳар бир фотосурат остида турнинг рус, инглиз ва лотин тилларидаги номи, муаллиф исми, тасвирга олинган жой ва унинг вақти кўрсатилган. Альбом www.discovery-bookshop.com интернет сайтига ҳам жойлаштирилган.

Тақдимот чоғида иштирокчилар ўзларни қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Соҳиба СОЛИЕВА,**  
“Qishloq hayoti” мухбири.



## ТУРМУШ ОБОДЛИГИ МЕҲНАТ САМАРАСИ БИЛАН

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялашга қаратилаётган эътибор маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш ва оқибатда аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш имконини бермоқда

**Шерали ДОНАЕВ,**  
“Косон дон маҳсулотлари қабул қилиш” масъулияти чекланган жамияти раиси вазифасини бажарувчи.

Яқунланган 2012 йил жамоамиз учун барча соҳада баракали бўлди. Косон, Муборак, Фузур туманларидаги фермер хўжалиқларидан 94 минг 252 тонна дон қабул қилиб олинди. Бу муваффақиятларга янги чехлар барпо этиши, уларни замонавий техника ва технология билан жиҳозлаш, мавжудларини реконструкция қилиш орқали эришдик. Муборак туманидаги филиалимизда уруғлик дон саралаш цехи барпо этилди. Натижада 12 та иш ўрни яратилди. Фузур туманида 25 тон-

на аралаш озуқа ишлаб чиқарадиган цех ишга тушди. Бунинг учун 600 миллион сўм маблағ сарфланди. Жамиятимизда ёрдамчи тармоқларни ривожлантириш ҳам доимий эътиборимизда бўлмоқда. “Ерқурғон” паррандачилик МЧЖдан тўрт мингта парранда олиниб, уларнинг сони саккиз мингтага, қорамоллар эса 75 бошга етди. Косон, Муборак, Фузур туманлари деҳқон бозорларида махсус дўконлар қуриб, аҳолига арзон нархда чорвачилик маҳсулотлари сотишни ташкил этганмиз.

Корхонамиз муҳандис-техник ходимлари, ишчи-хизматчилари учун етарли шарт-шароит яратиш ҳам доимий эътиборимизда бўляпти. Мустаҳкам оила йилида туманимиздаги “Оброн” массивида жамияти-

мизнинг уруғлик цехи бошлиғи Шухрат Кулмуродов ва ҳисобчи Нуриддин Йўлдошевлар намунали турар-жойларда ҳовли тўйларини ўтказдилар. Ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, корхонамизда ишлаб, айни пайтда кексалик нафақасидаги фахрийларга ҳам ҳурмат-эҳтиром кўрсатиляпти. Байрамлар муносабати билан улар моддий-маънавий томондан рағбатлантирилмоқда.

2013 йилда ҳам жамоамиз юксак мақсадларни қўлаб иш олиб бораяпти. Обод турмуш йилида Муборак туманида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ишга тушириш режалаштирилган. Фузур туманида эса 10 минг тонна дон сақланадиган омбор барпо этиш мўлжалланмоқда.

Айни пайтда Косон, Муборак, Фузур туманларидаги фермер хўжалиқлари билан шартнома асосида иш олиб бораёпмиз. Улардан жорий йилда юз минг тоннага яқин сифатли дон қабул қилиб олишни режалаштирганмиз.

Обод турмуш йилида муҳандис-техник ходим, ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга эътибор қаратяпмиз. Косон, Фузур, Қарши туманларидан 15 та намунавий турар-жой ҳодимларимиз учун ажратилди. Улар ушбу янги уйларнинг бошланғич бадалларини тўлаб қўйишди. Сирасини айтганда, Обод турмуш йилини юксак тараққиёт йилига айлантириб, янги техника ва технологияга кенг йўл очамиз.

### Навоий Вилояти



## ҚҮЙ ЯЙЛОВДА СЕМИРАДИ

Нуротанинг марказидан «Истиқлол» ширкати томон йўлга отланганимизда қор учқунлаб турарди. Қоратоннинг Пашшот этакларига етган чоғимиз ёғаётган қор кучайди. Ҳаял ўтмай, ҳақиқий чўл бўрони бошланди. Бўри мисол уялаётган шамол қор парчаларини чирпирак қилиб учиради, қор атроф бир паса оқликка чулғиб, еру кўйни ажратилиши имкони қолмаганди. Тезликни анча пасайтирган ҳайдовчи йўлдан кўз узмайди. Гоҳ ўннга, гоҳ сўлга тикиламан. Аммо излаганларим — на Оқтоғнинг, на Қоратоннинг баланд чўққиларини тополмайман. Ҳатто ёғиннамдаги яйловларни ҳам илғаб бўлмайди. Гўё бу жойларда қордан бошқа ҳеч вақо йўқдек...

Хамроҳим — туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг бош зоотехниги Самандар Бозоров ўйнаб-ўйнаб ёғаётган қордан кўз узмай сўз бошлайди: — Бизда қиш қаттиқ келади. Лекин қор қанчалик кўп бўлса, чорвадор учун шунча яхши. Чунки, қор барака, яйловларимизнинг унумдорлиги ҳам қор билан-да. Қиш яхши келса, далаларимизда пичан мўл бўлади. Кўкламда қўй тўйса, унинг кўзиси ҳам соғ-

лом ва бақувват ўсади. Бу эса, насл соғлом деганидир. Тўғри, бугунгидек об-ҳавода чўпонга қийин. Аммо бизнинг чўпонлар бундай машаққатларга кўникиб кетишган. Улар бу йил қиш мавсумига пухта ҳозирлик қўришди. Ҳар бир отарада мавсумга етиб ортадиган даражада ем-хашак жамғарилди. Чўпон уйлари ва кўра-кўтонлар сифатли таъмирланди. «Истиқлол» хўжалиги бош ветеринария вақчи Фахриддин Сат-

торов чорва қишлови йомушларининг қай даражада ташкил этилаётгани ҳақида гапириб, бизни яқин орадаги отарлардан бирига бошлайди. — Бу ерлар Бафобой яйловлари, бир тарафи Қонимехга, иккинчи тарафи Қозғонга туташиб кетган, рўпарамизда эса Қоратоғ, ҳув анави ёстаниб ётган текис-текс эса Мулла Файзулла яйловлари, — дея таништиради Фахриддин Сатторов.

Бу пайтда қор тўхтаган, лекин суяк-суякдан ўтиб кетувчи шамол эсарди. Бош чўпон Илёс Хўжакулов чўпон уйда эмас, қошарда, қўйлар ёнида экан. — Ҳафтадан буён қор тинмаётти, ҳаво совуқ. Бундай вазиятда қўйларнинг ем-хашагидан тез-тез хабар олиб турилмаска бўлмайди, — деди кебанакка ўраниб, бошидаги теплак қўлоқчинини бостириб олган бош чўпон. — Бўғоз қўйларни шу кўрага ажратганман. Уларнинг парваршиши алоҳида эътиборни талаб этади. Шу сабаб, совлиқларни қучайтирилган рацион асосида озиклантирамиз. Ем-емишдан хавотирланадиган жойимиз йўқ. Ёзда жамғарган табиий пичан, сомон, қаррак каби чорва озуқаларининг ўзи 60 тоннадан ошади. Бундан ташқари, етиб ортадиган даражада қўй учун энг хушхўр ва тўйимли озуқа —

### Қорақалпоғистон Республикаси

## МАВСУМГА ҚИЗГИН ТАЙЁРГАРЛИК

Чимбой тумани фермерлари томонидан қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Бу ишлар тумандаги Марказий муқобил машина трактор парки жамоасида уюшқоқлик билан амалга ошириляпти. Қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ишларида 30 нафар ишчи катнашмоқда. Уларга барча шароитлар яратилиб берилган натижада техникалар бирин-кетин мавсумга шай этиб қўйилмоқда.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ**

янтоқ фарамлаганмиз. Илёс Хўжакулов отарида ўтган йили ҳар бош совлиқдан биттадан қўзи олишганди. Бу йил ҳам шундай натижани тақорлашгани ният қилишган. Чўпонлар қарамоғида ҳозир 500 бош совлиқ бор. Улардан олиннадиган қўзиларнинг қамида 80 фозини устиришга қолдириш учун имкониятлар етарли. 2013 йилдаги ниятлар эса бундан-да улғу. Бу йилда асосий қўзиларни янги тасвирга олишга қаратилди. Бу йилда асосий қўзиларни янги тасвирга олишга қаратилди. Бу йилда асосий қўзиларни янги тасвирга олишга қаратилди.

**Абдураҳман САТТОРОВ,**  
“Qishloq hayoti” мухбири.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН КАТЪИ НАЗАР. БАРЧА КУРИЛИШ ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАРИ РАХБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

# НОРИН-СИРДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИНШОТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**ЛОТ-2/1.** Наманган вилояти Поп туманидаги хўжаликларо "Сирдарё" зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (69,72 км). Бошлангич нархи ҚҚСсиз 493 970 958 сўм. Бажариш муддати 245 кун.

**ЛОТ-2/2.** Наманган вилояти Поп туманидаги хўжаликларо "Аччиқўл П-2" зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (50,0 км). Бошлангич нархи ҚҚСсиз 388 324 187 сўм. Бажариш муддати 195 кун.

**ЛОТ-2/3.** Наманган вилояти Наманган туманидаги хўжаликларо "Шимолӣ" зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (23 км). Бошлангич нархи ҚҚСсиз 95 080 129 сўм. Бажариш муддати 115 кун.

**ЛОТ-2/4.** Наманган вилояти Наманган туманидаги хўжаликларо "Шарқий" зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (42 км). Бошлангич нархи ҚҚСсиз 238 886 619 сўм. Бажариш муддати 175 кун.

**ЛОТ-3/1.** Наманган вилояти Наманган туманидаги хўжаликларо "Янги селхона" зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (18,0 км). Бошлангич нархи ҚҚСсиз 162 019 571 сўм. Бажариш муддати 130 кун.

**ЛОТ-3/2.** Наманган вилояти, Тўрақўрган туманидаги хўжаликларо "Ёрпеласой" зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (27,0 км). Бошлангич нархи ҚҚСсиз 132 833 284 сўм. Бажариш муддати 126 кун.

**ЛОТ-3/3.** Наманган вилояти Тўрақўрган туманидаги хўжаликларо "Янги селхона" зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (18,0 км). Бошлангич нархи ҚҚСсиз 162 019 571 сўм. Бажариш муддати 130 кун.

БАРЧА ТУРДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУФОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМГАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЛОТ 14-5:

**Лот-1.** Жиззах вилояти Арнасой туманидаги "АРК-1" ва "Оқбулок" коллекторлар тизимида хўжаликларо коллекторларни куриш ва реконструкция қилиш.

Буортмачининг белгиланган бошлангич нархи 611 022 723 сўм, ишларнинг тугалланиш муддати 11 ой.

**Лот-2.** Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги "АК-3" ва "ПК-6" коллекторлар тизимларида ёпик-ётиқ дренаж тармоқларини куриш ва реконструкция қилиш.

Буортмачининг белгиланган бошлангич нархи 419 131 174 сўм, ишларнинг тугалланиш муддати 6 ой.

**Лот-3.** Жиззах вилояти Жиззах ва Зафаробод туманларидаги "ДГК" ва "Кли" коллекторлар тизимларида ёпик-ётиқ дренаж тармоқларини куриш.

Буортмачининг белгиланган бошлангич нархи 511 439 487 сўм, ишларнинг тугалланиш муддати 8 ой.

**Лот-4.** Жиззах вилояти Мирзақўл туманидаги "ЦК-11", "ЦК-9" ва "ПК-6" коллекторлар тизимларида хўжаликларо коллекторлар куриш.

Буортмачининг белгиланган бошлангич нархи 393 818 371 сўм, ишларнинг тугалланиш муддати 12 ой.

**Лот-5.** Сурхондарё вилояти Қизилкўшнинг "ВСТ" трактига қилиши қисмини иншоотлари билан реконструкция қилиш.

Буортмачининг белгиланган бошлангич нархи 633 932 492 сўм, ишларнинг тугалланиш муддати 9,5 ой.

ЛОТ 15-5:

**Лот-1.** Навоий вилояти Хатирчи туманидаги "Бибиширин" хўжаликларо коллекторини реконструкция қилиш ва куриш.

Буортмачининг белгиланган бошлангич нархи 502 331 540 сўм, ишларнинг тугалланиш муддати 8 ой.

**Лот-2.** Навоий вилояти Хатирчи туманидаги "Арабтепа" хўжаликларо коллекторини реконструкция қилиш.

Буортмачининг белгиланган бошлангич нархи 266 973 668 сўм, ишларнинг тугалланиш муддати 6 ой.

**Лот-3.** Сирдарё вилояти Сардоба тумани "Т.Малик" ва "Пахтаобод" СИУ ҳудудларида коллекторлар куриш.

Буортмачининг белгиланган бошлангич нархи 239 161 885 сўм, ишларнинг тугалланиш муддати 12 ой.

**Лот-4.** Сирдарё вилояти Ҳовос туманида вертикал дренаж қудуқларини реконструкция қилиш ва куриш (Вдона).

Буортмачининг белгиланган бошлангич нархи 1 130 383 207 сўм, ишларнинг тугалланиш муддати 12 ой.

**Лот-5.** Сирдарё вилояти Бёёвут туманида вертикал дренаж қудуқларини реконструкция қилиш ва куриш (Вдона).

Буортмачининг белгиланган бошлангич нархи 1 597 611 992 сўм, ишларнинг тугалланиш муддати 18 ой.

**Диққат!** Қиймати 500 000 000, 0

сўмгача бўлган объектлар бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

**Курилиш ишларини молиялаштириш** Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги суфориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамгармасини маблағларини қўшибдан амалга оширилади.

**Буортмачи:** Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги суфориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамгармасини бошқариш Департаменти.

**Буортмачи манзили:** Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

**Савдо ташкилотчиси:** Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва курилиш қўмитаси Курилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар куйидаги талабларга жавоб беришлари керак:** улар танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларнинг ёки банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўқаш иншоотларни куриш бўйича тажрибали ва

ишончли бўлишлари лозим.

**Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий курилиш ташкилотлари танлов тақлифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга куйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилди:** иштирокчиларнинг тижорат тақлифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишлар)ни бажариш, хизматларни кўрсатишдаги тендер тақлифлари иштирокчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўрновна билан танлов савдолари ташкилотчиси — **Курилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази** куйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 18-уй, 308-311-хоналар. Тел: 241-15-26, 241-15-32, факс: 241-15-37.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 150 000 (бир юз эллик минг) сўм. Тақлифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан қўридаги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати оферталар очилиш куни ва соатига.

Танлов савдолари, эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 15 кундан сўнг қўридаги манзилда ўтказилади.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

# АМУ-СУРХОН ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИНИНГ ТЎПАЛАНГ-ҚОРАТОҒ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТНИНГ КУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Сурхондарё вилояти Тўпаланг-Қоратоғ каналининг Амбарсой билан келишига жойидаги дюкерда авария-тиклаш ишлари.**

Объектнинг бошлангич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — **194,189 млн. сўм**, қўшилган қиймат солиғисиз — **161,824 млн. сўм**, курилиш муддати — **5 ой**.

